

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,
КОНЧИЛИҚДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

310 Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2803*

Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 131-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тузилмасини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Бошлиқ

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 20 май,
54-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини
геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва
коммунал-маиший секторда ишларнинг
бехатар олиб борилишини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил
20 майдаги 54-сон буйруғига
ИЛОВА

**Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида
фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи
материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ, портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

портловчи материаллар — саноат мақсадидаги портловчи моддалар ва портлатиш воситалари;

портловчи материалларнинг муомаласи — портловчи моддаларни, шу жумладан уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш.

2. Мазкур Йўриқнома талаблари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати тузилмаларга кирувчи ташкилотлардан ташқари, портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи барча ташкилотларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ушбу ҳолатнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш мақсадида ва фақат шу ҳолатларни ўрганиш доирасида ўтказилади.

4. Ташкилотда портловчи материаллар йўқолганда ташкилот раҳбари:

портловчи материаллар йўқолган жойдаги ишни вақтинча тўхтатиб туриши;

портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш бошлангунга қадар портловчи материаллар йўқолган жойдаги дастлабки ҳолатни сақлаб туриши ва унинг кўриқланишини таъминлаш;

йўқолган портловчи материалларни қидириб топиш ҳамда қайтаришга қаратилган тезкор чоралар кўриши;

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг тегишли минтақавий инспекциясига (бундан буён матнда минтақавий инспекция деб юритилади), ҳудудий ички ишлар органига, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳудудий бўлинмасига ҳамда юқори турувчи органига (ўзи бўйсунувчи ташкилотга) (агар мавжуд бўлса) зудлик билан тезкор хабар юбориши;

портловчи материалларнинг йўқолишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини кўриши;

портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текширишда иштирок этиши;

портловчи материаллар йўқолишининг ҳисобини юритиши шарт.

5. Портловчи материаллар йўқолганлиги ҳақидаги тезкор хабарда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

портловчи материаллар йўқолган ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи ва жойлашган ери (почта манзили);

портловчи материаллар йўқолган сана, вақт ва жой;

йўқолган портловчи материалларнинг тури, номи, миқдори ва хоссалари;

портловчи материаллар йўқолишининг қисқача тафсилоти.

Портловчи материалларнинг йўқолиши ҳақидаги тезкор хабар ташкилот раҳбари томонидан имзоланади.

6. Минтақавий инспекция, ҳудудий ички ишлар органи ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг ҳудудий бўлинмаси тезкор хабар келиб тушганда, бу ҳақда юқори турувчи органини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш харажатларини молиялаштириш ташкилот томонидан амалга оширилади.

2-боб. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текширишни ташкил этиш

8. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг (бошлиқ ўринбосарининг) буйруғи билан тузиладиган минтақавий инспекция вакили расмлик қиладиган Портловчи материалларнинг йўқолиши сабабларини техник жиҳатдан текшириш комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Комиссия йўқолган портловчи материалларнинг тури, номи, миқдори, хоссалари, йўқолган жой ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб «Саноатгео-

контехназорат» давлат инспекцияси вакили раислик қиладиган таркибда тузилиши мумкин.

9. Комиссия таркибига:

тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси ёхуд Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси (бундан буён матнда ҳудудий ички ишлар бошқармаси деб юритилади) вакили (вакиллари) (Комиссияга «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг вакили раислик қилганда — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вакили (вакиллари);

портловчи материаллар йўқолган ташкилот вакили (вакиллари);

портловчи материаллар йўқолган ташкилотнинг юқори турувчи органи (агар мавжуд бўлса) вакили (вакиллари) киритилади.

Зарурат бўлганда, Комиссия таркибига тегишли давлат ёки хўжалик бошқаруви ёхуд маҳаллий давлат ҳокимияти органи вакили (вакиллари) ҳам келишув асосида киритилиши мумкин.

10. Техник жиҳатдан текширишга портловчи материалларнинг муомаласи соҳасидаги ва бошқа тегишли соҳалардаги эксперт ташкилотлари, экспертлар ва мутахассислар келишув асосида жалб этилиши мумкин.

11. Комиссия портловчи материалларнинг йўқолганлиги ҳақида минтақавий инспекцияга тезкор хабар келиб тушган кундан бошлаб бир кун ичида тузилиши (Комиссияни тузиш ҳақидаги тегишли буйруқ қабул қилиниши) лозим.

12. Комиссияни тузиш ҳақидаги буйруқ қабул қилинган куни унинг нусхаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматига юборилади.

13. Комиссияни тузиш ҳақидаги буйруқ қабул қилинган куннинг эртасидан кечиктирмай Комиссия аъзолари ташкилотга етиб келиши ва ўз фаолиятини дарҳол бошлаши лозим.

14. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш муддати 15 кундан ошмаслиги лозим. Юз берган ҳолатни қўшимча равишда ўрганиш талаб этилган ҳолларда, техник жиҳатдан текшириш муддати Комиссия раисининг асослантирилган ёзма мурожаатига асосан «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан қўшимча равишда 30 кунгача узайтирилиши мумкин.

15. Комиссия томонидан портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текширишда:

портловчи материаллар йўқолган жой кўздан кечирилади, бунда кўздан кечириш натижалари юзасидан баённома тузилади, жойнинг чизмаси чизилади, жой суратга олинади, зарур ҳолларда, видеотасвирга туширилади;

йўқолган портловчи материалларнинг тури, номи, миқдори ва хоссалари аниқланади;

портловчи материалларнинг муомаласига масъул бўлган ташкилот ходимлари, гувоҳлар ва ташкилотнинг мансабдор шахслари билан сўров ўтказилади ва улардан ёзма равишда тушунтириш олинади;

портловчи материаллар йўқолишининг дастлабки ҳолатлари ва ушбу ҳолатлар юзага келиши сабаблари таҳлил қилинади;

портловчи материалларнинг йўқолиши сабаблари бўйича жалб қилинган эксперт ва мутахассисларнинг ёзма хулосалари олинади;

ишлаб чиқариш назорати фаолияти таҳлил қилинади;

технологик жараёнларнинг бузилиши ҳолатлари ҳамда ускуналардан фойдаланиш шарт-шароитлари аниқланади;

портловчи материалларнинг муомаласига масъул бўлган ташкилот ходимларининг мутахассислиги ва малакаси уларнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги ўрганилади;

портловчи материалларнинг йўқолиши сабаблари ҳамда уларни келтириб чиқарган шарт-шароитлар аниқланади;

портловчи материалларнинг муомаласи соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этилиши аҳволи таҳлил қилинади;

портловчи материалларнинг муомаласи соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатлар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар аниқланади;

портловчи материалларнинг йўқолишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйишининг олдини олиш бўйича ташкилот учун бажарилиши мажбурий бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

портловчи материалларнинг йўқолиши натижасида етказилган тахминий моддий зарар ўрганилади;

портловчи материалларнинг йўқолиши тафсилотлари ва сабабларини тўла-тўқис ва объектив ёритишга қаратилган бошқа чоралар кўрилади.

16. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текширишда Комиссия:

ташкилотнинг иш фаолиятига ҳалақит бермаслиги;

давлат ва тижорат сирларининг сақланишини таъминлаши;

ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларни кўриши мажбурдир.

17. Ташкилотнинг мансабдор шахслари йўқолган портловчи материалларга оид зарур бўлган барча ҳужжатлар ва маълумотларни техник жиҳатдан текшириш жараёнида ўрганиш учун Комиссияга тақдим этиши шарт. Комиссия аъзолари томонидан сўралган ҳужжатлар асл нусхада тақдим этилиши лозим. Зарур ҳолларда, Комиссия томонидан ҳужжатлардан нусха олиниши мумкин. Тақдим қилинган ҳужжатлардаги ёзувларни ўчириш ва унга тузатишлар киритиш тақиқланади.

18. Портловчи материалларнинг йўқолиши оқибатида етказилган иқтисодий зарар ташкилот томонидан ҳисоблаб чиқилади ҳамда ташкилот раҳбари ва бош бухгалтер (бухгалтери) томонидан тасдиқланади.

3-боб. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш натижаларини расмийлаштириш

19. Комиссия портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш натижаларини далолатнома (бундан буён матнда далолатнома деб юритилади) билан расмийлаштирилади.

20. Далолатномада куйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:
далолатнома тузилган сана ва жой номи;

портловчи материаллар йўқолган ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), телефон ва факс рақамлари;

ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами, доимий яшаш жойи манзили;

Комиссия раиси ва аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозимлари;

портловчи материаллар йўқолган жойнинг умумий тавсифи;

йўқолган портловчи материалларнинг тури, номи, миқдори ва хоссалари;

портловчи материаллар йўқолишининг тафсилотлари;

суриштирув давомида топилган портловчи материалларнинг тури, номи, миқдори ва хоссалари ҳамда ким томонидан, қачон ва қандай ҳолатларда топилганлиги;

портловчи материаллар йўқолишининг техник ва ташкилий сабаблари;

портловчи материалларнинг муомаласи соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этилиши аҳволи;

портловчи материалларнинг йўқолишида айбдор бўлган шахслар ва уларга тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича хулосалар;

портловчи материалларнинг йўқолишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар (бажариш муддати ва бажариш учун масъул шахсларни кўрсатган ҳолда);

портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш давомида аниқланган бошқа муҳим маълумотлар.

21. Далолатнома Комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Далолатномани имзолашдан бош тортган Комиссия аъзоси ўз фикрини ёзма равишда тақдим қилиши лозим. Бунда Комиссия аъзосининг ёзма равишда тақдим қилган фикри далолатномага илова қилинади.

22. Далолатноманинг бир нусхаси имзолангандан сўнг, ташкилот раҳбарига тақдим этилади.

23. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар алоҳида йиғмажилдда куйидаги тартибда жойлаштирилади:

Комиссияни тузиш ҳақидаги буйруқ;

портловчи материаллар йўқолишининг сабаблари ва ҳолатларини ўрга-

ниш юзасидан тузилган баённомалар, чизмалар ва уларга илова қилинган материаллар;

портловчи материалларнинг муомаласига масъул бўлган ташкилот ходимлари, гувоҳлар ва ташкилотнинг мансабдор шахслари томонидан берилган ёзма тушунтиришлар;

Комиссия раисининг эксперт ва мутахассисларни жалб этиш тўғрисидаги (агар мавжуд бўлса) ва бошқа қарорлари;

жалб қилинган эксперт ва мутахассисларнинг портловчи материаллар йўқолишининг сабаблари бўйича ёзма хулосалари (агар мавжуд бўлса);

ишлаб чиқариш назорати фаолиятининг ёзма таҳлили;

портловчи материалларнинг муомаласига масъул бўлган ташкилот ходимларининг мутахассислиги ва малакаси тўғрисидаги маълумотлар;

ташкилотда мавжуд бўлган ва йўқолган портловчи материалларнинг ҳисобига оид ҳужжатлар;

портловчи материалларнинг муомаласига масъул бўлган ташкилот ходимларининг тегишли мутахассисликлар (ишлар, лавозимлар) бўйича ихтисослаштирилган курсларда ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари (агар мавжуд бўлса) ҳамда лавозим йўриқномаларидан кўчирмалар;

портловчи материалларнинг кирими ва чиқими ҳамда берилиши ва қайтарилиши ҳисобини юритиш китобларидан кўчирмалар;

портловчи материаллар муомаласи соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатлар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар ҳақида маълумотлар;

талаблари бузилган портловчи материаллар муомаласи соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатлардан (тегишли тузилмавий бирлиги кўрсатилган ҳолда) кўчирмалар;

портловчи материалларнинг йўқолиши натижасида етказилган моддий зарар акс эттирилган ҳужжатлар;

портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш давомида расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар;

портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш далолатномаси.

Йиғмажилдда унга киритилган ҳужжатларнинг рўйхати кўрсатилади.

24. Ташкилот раҳбари портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар йиғмажилдининг нусхасини:

«Саноатгеоконттехназорат» давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига («Саноатгеоконттехназорат» давлат инспекцияси вакили Комиссия раиси бўлганда);

тегишли минтақавий инспекцияга ҳамда ҳудудий ички ишлар бошқармасига (минтақавий инспекция вакили Комиссия раиси бўлганда) юборилишини таъминлайди.

Йиғмажилдининг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ташкилот раҳбари томонидан Комиссия раисига тақдим этилиши лозим.

Зарурат бўлганда, йиғмажилдининг нусхаси Комиссия раиси томонидан бошқа ташкилотга (ташкилотларга) уларнинг сўровига асосан юборилади.

25. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш якунлангандан сўнг, ташкилот раҳбари томонидан 3 кун ичида Комиссия хулосасига асосан портловчи материалларнинг йўқолишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланади ҳамда портловчи материалларнинг йўқолишида айбдор бўлган ходимларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш бўйича буйруқ чиқарилади. Бунда тасдиқланган чора-тадбирлар режаси ва қабул қилинган буйруқнинг нусхаси 1 кун ичида мазкур Йўриқноманинг 24-бандида назарда тутилган ташкилотларга юборилади.

4-боб. Портловчи материалларнинг йўқолишини ҳисобга олиш

26. Ташкилот томонидан портловчи материалларнинг йўқолиши юз берган ҳар бир ҳолат мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган Портловчи материалларнинг йўқолишини ҳисобга олиш журналида ҳисобга олиниши шарт.

27. Портловчи материалларнинг йўқолишини ҳисобга олиш журнали рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва ташкилот раҳбари томонидан имзолашиб, муҳрланган бўлиши лозим.

Мазкур журнал ташкилот раҳбари томонидан тайинланган масъул шахс томонидан юритилади.

28. Портловчи материалларнинг йўқолишини ҳисобга олиш журнали тўлиқ тўлдирилгунча юритилиши шарт.

5-боб. Якуний қоида

29. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган.

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

2016 йил 16 май

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

2016 йил 16 май

25 (733)-сон

— 19 —

310-модда

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2016 йил 18 май

*Миллий хавфсизлик
хизмати раиси*

Р. ИНОЯТОВ

2016 йил 18 май

Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
ИЛОВА

_____ да
(ташқилогнинг номи)

ПОРТЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ЙЎҚОЛИШINI ҲИСОБГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ

Юритгилиши бошланди: 20 ____ йил « ____ » _____ .
Юритгилиши тугатилди: 20 ____ йил « ____ » _____ .

Т/р	
1	Портловчи материалларнинг йўқолиши санаси ва вақти
2	Портловчи материалларнинг йўқолиши сабаби (йўқолиш, талон-торож, ташлаб юбориш)
3	Портловчи материалларнинг йўқолган жой (объект, портлатиш ишлари олиб борилган жойнинг номи)
4	Портловчи материалларнинг йўқолган бўлинма номи (цех, участка, гуруҳ)
5	Йўқолган портловчи материалларнинг тури, номи, миқдори ва хоссалари
6	Портловчи материалларнинг йўқолиши бўйича қисқача тафсилот
7	Портловчи материаллар йўқолишининг ҳолатлари ва шарт-шароитлари
8	Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш натижалари бўйича қисқача тавсиф
9	Тоғиб қайтарилган портловчи материалларнинг тури, номи, миқдори ва хоссалари
10	Изоҳ